O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
Majburiy bepul nusxa



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 19 ноябрь, № 223 (5138) Жума

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси Тошкентдаги хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт гуруҳлари томонидан кенг шарҳланмоқда.*

### Дунё нигоҳи

**Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинс**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси мамлакатнинг истиқболдаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлидаги кенг ҳаракат дастури саналади. Унда мамлакат ривожининг асосий, хусусан, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлари қамраб олинган.

"Ўзбекистон турли соҳаларда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошира экан, қисқа давр ичида юксак муваффақиятларга эришди. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг ҳаётий рўёби, шубҳасиз, келажакда мамлакатда демократик ислоҳотлар ўтказилишига ижобий таъсир кўрсатади", дея таъкидлади элчи.

Латвиялик дипломатнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг маърузасида ҳар қандай давлат учун муҳим саналган кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ниҳоят даражада долзарб масала ҳисобланади. Зеро, мазкур соҳа мамлакат иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этувчи негиздир.

Шу ўринда, элчи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда, оилавий бизнесни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратганини юксак баҳолади.

**Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюн**нинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат келажаги ҳақида чуқур қайғуриш ҳиссига йўғрилган маърузаси концептуал хусусиятга эга ва у Ўзбекистоннинг давлат қурилиши борасида мустақиллик йилларида эришган барча бой тажрибасини ўзида мужассам этган.

(Давоми 2-бетда).

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

***Пойтахтимизда 16-17 ноябрь кунлари "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари анжуман иштирокчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.***

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**Казуши ХАШИМОТО, Япония Сув форуми маслаҳатчиси:**

— Сув танқислиги бугунги куннинг энг глобал ва долзарб муаммоларидан бири саналади. Ушбу халқаро конференция сув танқислигининг олдини олиш ва бу борада юзага келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан атрофлича фикр алмашиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуман юқори савияда ташкил этилди. Конференцияда Орол муаммосини бартараф этиш бўйича кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, экология муаммолари билан шуғулланадиган илмий марказлар вакиллари билан фикр алмашиш ҳамда мазкур муаммони ҳал этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлдик. Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш масалаларини атрофлича таҳлил қилдик.

**Нирмала ЖОШИ, «Ҳиндистон — Марказий Осиё» тадқиқот жамғармаси директори, профессор:**

— "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзуидаги конференцияда иштирок этиш асносида Ўзбекистон жанубидаги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги экологик вазият билан танишиш имконига эга бўлдим. Тожикистон билан чегарадош ушбу минтақада Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газ, хусусан, фтор кимёвий моддаси инсон саломатлигига, болаларнинг ногирон туғилишига, ўсимликларнинг қуришига сабаб бўлмоқда, чорвачиликка ҳам катта зарар етказмоқда. Бундай фожиали оқибатларга олиб келган ишларга бефарқ қараб туролмаймиз. Ушбу ўта жиддий муаммони минтақа мамлакатлари ҳамжиҳатликда ҳал этиши даркор.

**Ольга АРКАНОВА-ЧОРНА, «Dnipro» Умумукраина хайрия жамғармаси президенти (Украина):**

— Оролбўйида вужудга келган жиддий экологик муаммоларни ечиш нафақат мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, Марказий Осиё давлатлари, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун муҳим. Орол денгизининг қуриган қисмидан ҳавога кўтарилаётган чанг-тўзон кўплаб мамлакатлар экологиясига зарар етказмоқда. Ўзбекистонда мазкур муаммони ҳал этиш борасида зарур чоралар кўрилаётгани халқаро ҳамжамиятга яхши маълум. Ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш даркор.

(Давоми 2-бетда).

# БАРКАМОЛЛИК КЎЗГУСИ



*Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида анъанавий "Bazar-art — 2010" кўргазма-ярмаркаси якунланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "IJOD" уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юздан зиёд уста ва ҳунармандлар иштирок этишди.*

### «Bazar-art — 2010»

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда миллий ҳунармандлик санъати йўналишида фаолият юритаётган усталарни қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъатининг нодир анъаналарини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, юртимиз ҳамда хорижда тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу юмушга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Ушбу ташкилот томонидан ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий лойиҳалар, кўргазмалар моҳир ҳунармандларга ҳар тарафлама мадад кўрсатиш, умидли ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Жумладан, "Bazar-art" кўргазма-ярмаркаси ҳам анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодкорларни кашф этиш, кенг жамоатчиликни бу борада эришилган ютуқлар билан таништиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу йилги кўргазма-ярмаркада халқ амалий санъати ва ҳунармандликка оид бой миллий меросимизнинг тарихи, мазмун-моҳияти, йўналишларини ёшлар онгу шуурига етказиш, "Устоз — шогирд" анъаналари давомийлигини таъминлашга аҳамият берилди. Етук усталар билан ёш ҳунармандларнинг ижод намуналари тадбирга ташриф буюрган ихлосмандларда катта таассурот қолдирди.

"Bazar-art — 2010" кўргазма-ярмаркасида Ортиқали Файзуллаев "Энг яхши ёғоч ўймакорлиги устаси", Суҳроб Юсупов "Энг яхши кулоллик устаси", Муҳаммаддиёр Носиров "Энг ёш иштирокчи", Валиевлар сулоласи эса "Анъаналарни замонавий қиёфаларда сақлагани учун" номинациялари бўйича ғолиб, деб топилдилар.

Кўргазма-ярмарка доирасида санъат усталарининг чиқиши тадбирга ўзгача файз киритди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● АНДИЖОН. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 157 та маҳалла фуқаролар йиғини замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланди.

● **НАМАНГАНда Маънавият тарғибот маркази томонидан "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Якунда Наманган туманилик Тўхтахон Раҳимовага биринчи ўрин насиб этди.**

● ҚАШҚАДАРЁ. Касби туманилик тадбиркор Рустам Жабборов Байдоқчи қишлоғида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линияни ишга туширди. Ҳозир бу ерда кунига ярим тоннагача ун қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 5 турдаги нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

● **НАВОИЙ. "Кармана ёғ инвест" масъулияти чекланган жамиятида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига шу йилнинг ўтган 9 ойида 832,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 79,4 фоизга кўпдир.**

● ХОРАЗМ. Боғот туманининг Бешариқ қишлоғида ёғочдан мебель жиҳозлари ҳамда дераза ва эшиклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада 8 та янги иш ўрни яратилди.

● **ЖИЗЗАХ. "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийларнинг Бухорога саёҳати уюштирилди. Улар тарихий обидаларни зиёрат қилиш билан бирга, истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# САНОАТ РАВНАҚИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

***Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички бозорда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тури ҳам, салмоғи ҳам тобора кўпайиб бормоқда.***



**СУРАТДА:** қурувчилар Равшан Алиев, Нишонбой Бозоров ва Достон Собуров келгуси иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда.

### Бунёдкорлик

Қолаверса, маҳаллий тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган бундай сифатли, рақобатбардош маҳсулотларнинг хорижда ҳам харидорлари бисёр. Бу эса юртимиз экспорт салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилаяпти.

Жиззах вилоятида ҳам бу соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Жумладан, 2009 — 2012 йилларда вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга мувофиқ, айни кунда Жиззахдаги собиқ "А. Соатов" акциядорлик жамияти ўрнида лойиҳа қиймати 36 млн. АҚШ долларига тенг ва йилига 18 минг тонна пахта толасини қайта ишлашга мўлжалланган "Жиззах пластекс" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона барпо этилмоқда.

— Асосий мақсадимиз давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардош енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир, — дейди корхона раҳбари Нодирбек Аҳролбеков. — Таъсисчиларимиз — Тошкент шаҳридаги "Тарлепласт" қўшма корхонаси ва Янгийўл туманидаги "Пластекс" масъулияти чекланган жамияти билан келишган ҳолда айнан шу бинони танлаганимиз бежиз эмас. Сабаби, бу жойда муқаддам йирик фабрика фаолият кўрсатган. Бу эса технологик жараёнларни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Корхона лойиҳаси икки босқичдан иборат. Дастлабки босқичда калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва 700 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади. Иккинчи босқичда эса 200 турдаги экспортбоп трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш мақсад қилинган.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 1300 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ҳозир жаҳоннинг йирик компаниялари томонидан корхона учун энг илғор технологиялар тайёрланмоқда.

Бугунги кунда корхонанинг 8,5 гектарлик ҳудудида қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. 4 гектар майдонга эга иншоотларда эса том ёпиш ишлари якунланаётир. Бу жараёнга 300 дан зиёд бунёдкорлар, Италия ва Англиядан келтирилган энг замонавий русумдаги 20 дан ортиқ техника воситалари жалб этилган.

Бу ерда ишчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси таркибидаги 500 ўринли ошхона, соғломлаштириш мажмуи, минифутбол, волейбол, теннис майдонлари бунинг ёрқин ифодасидир. 20 ўринли меҳмонхона, конференция ва кўргазма заллари эса ҳамкорлар, харидорлар, меҳмонларни юқори савияда кутиб олиш учун айни муддаодир.

Мухтасар қилиб айтганда, келгуси йилда ишга туширилиши режалаштирилган ушбу корхона истиқболда нафақат вилоятнинг, балки юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

## Янги технология афзаллиги

Модернизация

Марғилон шаҳридаги "TEXYGEN" масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 120 минг АҚШ долларилик модернизация ишлари амалга оширилди.

Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган калава ип сифати тубдан яхшиланиб, йилига 5 минг тоннагача маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди.

Эътиборлиси, 150 кишилик меҳнат жамоаси қисқа вақт ичида 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини хорижлик мижозларига етказиб берди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Аҳоли бандлиги даражаси ошмоқда

Бир рақам шарҳи

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда

**784,9** мингта янги иш ўрни яратилди.

**Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли шундай ижобий натижага эришилди. Пировардида шунча киши даромад манбаига эга бўлди.**

# КОМИССИЯЛАР ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ

***Самарқандда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳамда наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича комиссияларнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мазкур комиссиялар аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда тегишли идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда имзоланган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республика идоралараро комиссияси, шунингдек, жойларда ҳудудий комиссиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши ушбу глобал муаммога қарши курашиш ва одам савдосидан жабр кўрган фуқароларни ҳуқуқий-ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳамда аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли вилоятда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча камайди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 35 ҳолатда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар қайд этилиб, жиноят ишлари қўзғатилган. Ушбу турдаги жиноят содир этиб қидирувда юрган 27 шахс ушланган. Ўтган даврда 52 фуқаро одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, чет мамлакатларга ноқонуний чиқиб кетишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идоралар томонидан жойларда 122 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилган.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, бу борада ҳудудий идоралараро комиссиялар ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ушбу иллатдан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Президент Ислом Каримов теран таҳлил асосида диққат марказида ўзбек жамоатчилигида сиёсий ислоҳотларни давом эттириш зарурати акс этган Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги стратегик ривожланиш йўналишини аниқлаб берди", деди элчи.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Республикаси раҳбари ўзининг давр билан собитқадам, давлат тараққиёти ва истиқболи учун зарур бўлган ўзгаришларни аниқ ва ўз вақтида ҳис қила оладиган стратегик билимларга эга донишманд сиёсий зийраклигини яна бир бор намоён этди.

"Бу каби пухта ўйланган таклифлар Ўзбекистоннинг яқин ҳамкори ва самимий дўсти саналмиш Хитойни, шубҳасиз, беэътибор қолдирмайди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатни ислоҳ қилиш борасида ишлаб чиқилган беш тамойил асосида эришилган тараққиётнинг юқори натижаларини мамнуният билан эътироф этади", деди хитойлик дипломат.

Юй Хунцзюннинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда ўта долзарб конституциявий ўзгартишлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида туб ислоҳотларни кўзда тутади ва давлатнинг келажакдаги ривожига кўмак берувчи чуқур ислоҳотлар ўтказиш йўлида ишонч билан одимлашидан дарак беради.

**Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Азиз Харун**нинг эътирофича, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси жамиятни янада ислоҳ қилиш борасида теран мазмунга эга ва долзарб вазифаларни қамраб олганлиги билан кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Дипломатнинг таъкидлашича, келгусида Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган, ўз моҳиятига кўра, нафақат сиёсий партиялар, балки нодавлат нотижорат ташкилотларга берилган кенг ҳуқуқларни ўзида намоён этувчи ислоҳотлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда у Ўзбекистон раҳбари томонидан суд-ижро ҳокимиятини такомиллаштиришга қаратилган эътиборнинг муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида сўз юритар экан, А. Харун Президент Ислом Каримов нечоғли чуқур иқтисодий ва стратегик билим соҳиби эканлигини намойиш этганини таъкидлади. Сўнгги йилларда мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масаласи устувор масалалардан этиб белгиланганы юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Хусусан, ушбу тармоқларнинг давлат буюртмаларини бажариш тизимига жалб этилиши амалга ошириладиган ишларнинг сифат даражасини юксалтириб, соғлом рақобатни кучайтиради.

У, шунингдек, мамлакатда тарихий ва ижтимоий-маданий тажрибага асосланиб амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделини ҳам алоҳида эътироф этиб ўтди.

Малайзия дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг фикрича, Президент Ислом Каримовнинг дастурида Ўзбекистоннинг ривожланаётган дунё мамлакатлари тоифасидан ривожланган мамлакатлар гуруҳига ўтиши бўйича аниқ вазифалар ва стратегик йўналишлар ўз аксини топган.

"Бунинг учун мамлакатда ривожланган ва замонавийлаштирилган саноат, самарали қишлоқ хўжалиги тизими, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкам ва пухта ўйланган, ҳам халқаро, ҳам минтақавий анъанавий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий асос сингари барча зарурий шарт-шароит мавжуд".

Демократик жамиятнинг шаклланиши йўлида Ўзбекистон раҳбари алоҳида ва муҳим ролини ажратиб кўрсатган мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасини шарҳлар экан, **АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Дуэйн Бутчер**, хусусан, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

"Биз миллий мақсадларга эришиш жараёнида сиёсий партияларнинг роли оширилиши, шунингдек, ҳукуматнинг улар олдида ҳисобот бериши тажрибасининг киритилишини олқишлаймиз. Ишонамизки, барча ҳаракатлар сингари бизнинг Миллий Демократик институт орқали олиб бораётган фаолиятимиз ҳам белгиланган мақсадларга эришиш йўлида бир улуш бўлади. Шунингдек, бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини ўрганиб боришимиз айни муддаодир.

Ўзбекистон раҳбариятининг ҳукуматни шакллантиришда конституциявий жараёнларнинг устунлигини таъминлашдаги мажбуриятларни тўғри аниқлаб беришга интилаётганлигини кузатиш ниҳоятда қувончлидир.

Биз Президент Ислом Каримовнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳақидаги фикрларини катта қизиқиш билан тингладик. Биз, албатта, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мақсадларга эришишнинг ва ҳукумат вакилларининг жавобгарлигини таъминлашнинг муҳимлиги тўғрисидаги қарашларига тўла қўшиламиз. Ишонамизки, ушбу ислоҳотлар Ўзбекистон фуқаролик жамиятида турли қарашлар сонининг ошишига кенг имкониятлар яратилишига, хусусан, ушбу мақсадга эришишимизда умумий фаолият юритишимиз йўлини аниқлашда хизмат қилади.

Шу ўринда, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ролини ошириш ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонун устуворлиги, демократик бошқарувни мустаҳкамлаш сингари барча ташаббусларда ишончли ҳамкор бўлишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайди".

**Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили Еже Станкевич** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, унда қайд этилган давлат тизимининг, хусусан, суд-ҳуқуқ ва жамоат ташкилотларининг ислоҳоти тамойилига алоҳида урғу берди. "Президент Ислом Каримовнинг маърузасида давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик очиқ-ойдин акс этиб турибди", деди у.

Дипломатнинг қайд этишича, Ўзбекистон парламентининг ҳар иккала палатасидан ушбу вазифани амалга ошириш учун улкан саъй-ҳаракат талаб қилинади. Негаки, мазкур жараёнда нафақат давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи янги қонунлар қабул қилиниши зарурати мавжуд, балки ушбу қонунларнинг сифатини ошириш талаби ҳам қўйилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида демократик давлат барпо этиш йўлида катта муваффақиятларга эришди. Шу билан бирга, мамлакат олдида оқилона амалга ошириладиган серқирра иш турибди. Мазкур йўналишдаги фаолиятни доимий равишда такомиллаштириш ва илғор мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганган ҳолда уни қўллаш зарур", дея ўз фикрини якунлади Е. Станкевич.

**"Пантеон Ассас Париж 2" университети профессори, сиёсатшунос Жак Барр**нинг сўзларига кўра, "Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида мамлакатдаги бугунги вазият ва эришилган муваффақиятлар ҳақида маълумот беради. Хусусан, у Ўзбекистонда XXI асрда демократлашган ҳамда адолатли жамият барпо этиш мақсадида мамлакатда кечаётган демократиялашув жараёнини давом эттириш ва тезлаштириш зарурлигини қайд этиб ўтди".

У, шунингдек, Президент Ислом Каримов томонидан келтирилган рақам ва кўрсаткичлар мамлакатда босқичма-босқич ўтказилаётган сиёсатнинг муваффақиятлари инъикоси эканлигини алоҳида таъкидлаб, "Мазкур ютуқлар дунёнинг бошқа бир қатор давлатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан азият чекаётган бир пайтда қўлга киритилаётгани, айниқса, эътиборлидир", дея эътироф этди.

"Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган аниқ таклифлар мамлакатнинг ўзбек халқи менталитети, маданияти ва урф-одатларига асосланган ҳолда демократлашувида тадрижий ва қатъий йўналишда ривожланиш каби мақсадларни кўзлаётгани билан диққатга сазовордир.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан давлат ҳокимияти, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қилинган таклифлар, замонавий воқеликларни ҳисобга олганда, тамомила ўзини-ўзи оқлайди. Конституциянинг айрим моддаларига киритилиши назарда тутилган ўзгартишлар эса муайян ҳукумат институтларининг демократик ва барқарор ривожланишига замин яратади", дея таъкидлади Ж. Барр.

Унинг фикрича, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, суд тизимини янада либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар эътирофга лойиқдир. 2008 йил январдан эътиборан мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши бунга яққол далолат бўла олади. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш, унинг эркинлигини таъминлаш каби жиҳатларнинг такомиллашуви билан бир қаторда, мазкур соҳада эришилган ижобий натижаларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ўзлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар, ҳеч шубҳасиз, жаҳоннинг бошқа илғор мамлакатларида бўлгани каби, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашга асос яратади.

Француз сиёсатшуносининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президенти қайд этган Ўзбекистон сайлов тизимининг такомиллашуви масаласи демократлашув жараёни ва сиёсий партиялар фаолиятининг кучайишида ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини ошириш йўлида ҳам ниҳоятда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

"Мазкур соҳада қонуний меъёрларнинг ривожланиши нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳукумат тузилмалари билан ўзаро фаолиятининг очиқлиги ва самарадорлигини таъминлаб беради. Мамлакатда келгусида маъмурий, институционал ва экологик назоратни амалга ошириш йўлида қўшимча орган ва механизмларни ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади", деди Ж. Барр.

"Ўзбекистон қонунчилигига киритилиши кўзда тутилаётган, XXI аср талабларига жавоб берадиган ўзгартиш ва янгиликлар мамлакатга нафақат янги ижобий натижа ва муваффақиятларга эришиш йўлида кўмаклашади, балки жамият тараққиётида ёш авлоднинг фаол иштирокини ҳам таъминлайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлари демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига имконият яратилади. Эркинлик тамойилининг асоси ҳам ана шундадир", дея сўзига якун ясади Ж. Барр.

**«Жаҳон» АА.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитасининг амалий семинари бўлиб ўтди. Унда "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокама этилди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Тадбирда мамлакатимизда географик объектларни номлашнинг ҳуқуқий асослари яратилгани таъкидланди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонун маъмурий-ҳудудий бирликларга, аҳоли пунктларига, физик-географик, геологик, табиатни муҳофаза қилишга оид объектларга ном бериш ва уларни қайта номлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шунингдек, географик объектларга ном бериш билан боғлиқ айрим масалалар "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида"ги ҳамда "Геодезия ва картография тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинмоқда. Бироқ тадбир иштирокчилари қайд этганларидек, ушбу қонун ҳужжатлари географик объектларнинг барча жабҳасини тўлалигича қамраб олмаётир. Натижада ҳозирда республика аҳоли пунктлари орасида бир хилдаги "Гулистон", "Янгиобод", "Янгиҳаёт", "Маданият", "Пахтакор", "Деҳқонобод", "Навбаҳор", "Наврўз", "Обод", "Бирлик" ва бошқа номлар кўплаб учраётир. Бундай аҳвол билан келишиш қийин, албатта.

— Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қўллаш ҳамда сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди, — дейди мазкур қўмита аъзоси, "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Тўлқин Абдусатторов. — Ҳозир ушбу ҳужжат қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритишга тайёрланмоқда. Зеро, мазкур қонуннинг қабул қилиниши географик номларни қўллаш, географик объектларни номлаш ва қайта номлашдаги камчиликларга чек қўяди.

— Ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг партия белгилаб олган вазифа ва мақсадларига ҳамоҳанглигини эътироф этадилар, — дейди мазкур партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Мавжуда Ражабова. — Шу нуқтаи назардан айтганда, географик объектларни номлашда давлат тили, ёзув тўғрисидаги масалаларга жиддий эътибор қаратилиши зарур. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Географик номлар давлат реестрини яратиш ва шу орқали географик объектларнинг номларини меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, тўғри қўллаш, айниқса, миллий қадрият ва урф-одатларимиздан келиб чиққан тарихий номларимизни сақлаш имкониятини яратади.

Шунингдек, семинарда мазкур ҳужжатнинг мақсади, вазифалари ва асосий қоидалари атрофлича муҳокама этилди ҳамда иштирокчилар томонидан қонун лойиҳасини маромига етказишга қаратилган бир қатор таклифлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференция Орол билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни, жумладан, экологик инқирознинг аҳоли генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири, Амударё ва Сирдарёда рационал оқимни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш ва муайян ечимларни топишда катта аҳамиятга эга.

Қайд этиш жоизки, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида янги йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу Ўрта Осиёнинг экологик мувозанатига катта путур етказади, техноген фалокатлар хавфи янада ортади. Бундай йирик гидроэнергетика иншоотлари Орол денгизи ҳавзасидаги барча мамлакатлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда барпо этилиши лозим.

**Мариан ГУИЛЛИАМ хоним, «Ramsar» ташкилоти маслаҳатчиси (Швейцария):**

— Авваламбор, конференция ташкилотчиларига миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Ушбу анжуман ғоят долзарб мавзуга бағишланди. Таъкидлаш жоизки, мавжуд экологик муаммолар қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилаётир. Лекин бу билан чекланиб қолмасдан, бутун дунё мамлакатлари муаммони ҳамкорликда ҳал этиш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи масалалар ҳал қилинмаса, унинг оқибатларидан нафақат мазкур ҳудуд аҳолиси, балки дунё мамлакатлари азият чекиши муқаррар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти билан яқиндан танишдим. Ушбу ташкилот аграр тармоқда тежамкор суғориш технологияларини қўллаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг инсон саломатлигига, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошираётгани диққатга сазовор.

**Виллиам МЕЙГНИН, «Les Energies Durables» компанияси бош директори (Франция):**

— Бугунги кунда Орол муаммосининг салбий оқибатлари глобал экологик муаммога айланди. Мазкур халқаро конференция нафақат минтақа давлатлари, балки дунё мамлакатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Анжуманда минтақадаги экологик ҳолатни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада яшаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш каби қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Келгусида ушбу муаммоларни бартараф этиш учун халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Анжуман арафасида Мўйноқ туманига бориб, у ердаги вазият билан бевосита танишдик. Қуриб бораётган Оролни кўриб, даҳшатга тушдим. Барча кучларни бирлаштирган ҳолда Орол муаммосини ҳал этиш мумкин.

**Бойко НИЦОВ, АҚШ Атлантика кенгашининг «Dinu Patriciu» Евроосиё маркази директори:**

— Бугунги кунда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг глобал экологик муаммосига айланиб улгурган. Мўйноқ туманидаги аҳвол билан танишиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистон Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилаш мақсадида жуда катта ишларни қилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир.

Мазкур глобал экологик муаммо оқибатларини бартараф этиш учун халқаро миқёсда ҳаракат қилиш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, бошқача айтганда, халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

**Керол ФОШЕР, Цукуба университети профессори (Япония):**

— Бизга маълумки, Тожикистон ҳукумати Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёсининг юқори қисмида улкан Роғун ГЭСини қурмоқчи. Айтиш жоизки, юқори сейсмик зона бўлган бу минтақада бундай йирик тўғон қуришнинг ўзи ақлга тўғри келмайди. Шу боис Роғун ГЭСидек йирик иншоотни қуришдан аввал мустақил халқаро экспертиза ўтказиб, унинг оқибатларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарур.

Мазкур лойиҳанинг Амударё сув оқими ҳажми ва тартиби ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини инобатга олиш керак. Чунончи, кескин континентал иқлим шароитида яшаётган мазкур минтақа аҳолисининг тақдири ичимлик ва суғориш сувларининг миқдорига бевосита боғлиқ эканини назарда тутиш лозим.

***Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.***

## Навоий томонларда

***Навоий шаҳридаги "Мирзаим Мирсаид" хусусий корхонасида мебель ва уй-рўзғор жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

### Харидоргир маҳсулотлар

Тадбиркор Азамат Ҳожиев ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағи ҳамда банк кредити ҳисобидан 300 миллион сўм сарфлади. Корхонанинг 24 кишилик жамоаси мижозларга 102 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотини етказиб берди. Бу ерда тайёрланаётган мебель жиҳозларининг сифатига катта эътибор қаратилаётганлиги боис унга ички бозорда талаб ортиб бормоқда.

Айтиш керакки, шаҳарда ўтган 9 ой мобайнида саноат корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 214,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

### Мактабларга компьютерлар

***Томди туманининг "Оққудуқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 17-умумтаълим мактаби замонавий компьютерлар билан жиҳозланди.***

Бунинг учун фермерлар ҳамда тадбиркорларнинг 18 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамидан самарали фойдаланилди.

Эътиборлиси, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига биноан, ҳудуддаги яна 13 та мактаб замонавий компьютер жамланмаси билан жиҳозланиб, интернет тизимига уланди. Мазкур қулайлик мактаб ўқувчиларининг замон талаблари даражасида таълим олишларига хизмат қилмоқда.

***Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

# КОМИССИЯЛАР ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли, фойдали машғулотлар билан ўтказишлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ёшлар иштирокида ўтказилаётган кўплаб кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ёшлар ўртасида турли иллатлар ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Айни вақтда айрим шаҳар, туман комиссиялари томонидан вояга етмаганлар билан ишлашга етарлича эътибор берилмаётгани, белгиланган тадбирлар ва дастурлар ижроси тўлиқ бажарилмаётганини ҳам қайд этиш зарур.

Йиғилишда вояга етмаганлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада фаоллаштириш, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун уларни спорт ва фан тўгаракларига кенг жалб қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш борасида таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича вилоят минтақавий комиссиясининг фаолияти ҳам таҳлил этилиб, келгуси вазифалар белгиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.**

# ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР, ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАЛАР



СУРАТДА: XVI Осиё ўйинлари чемпиони, велоспортчимиз Владимир Тўйчиев.

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

***Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро миқёсдаги мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бундай улкан натижалар барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди, албатта.***

Қувонарлиси, чемпион ва совриндор ҳамюртларимизнинг кўпчилиги ёш авлод вакилларидир. Бу бежизга эмас. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида эртамиз эгаларини жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат ана шундай муваффақиятларнинг мустаҳкам замини сифатида хизмат қилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етакловчи бетакрор тизимга айланди. Нуфузли турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғоналаридан жой олаётган фарзандларимиз айнан шу спорт ўйинларидан парвоз қилгани қалбимиздаги фахр ҳиссини янада жўш урдиради. Узоққа бормайлик. Шу кунларда Хитойнинг қадимий Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, медаллар шодасини қўлга киритаётган ҳамюртларимизнинг асосий қисми ўз вақтида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиадада тобланган йигит-қизлардир.

Бу галги қитъа мусобақаларида қирқ беш мамлакатдан ўн минг нафардан зиёд спортчи қатнашаётганини инобатга олсак, ғолиблик учун рақобат жуда юқори экани ойдинлашади. Шундай бўлса-да, ҳар куни Хитойдан ажойиб хушхабарлар олиб турибмиз. Ҳозиргача дзюдо, шахмат, велотрек, теннис, спорт гимнастикаси, слалоломда каноэда эшкак эшиш, оғир атлетика, таэквондо бўйича вакилларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқламоқдалар. Рустам Қосимжонов, Ришод Собиров, Владимир Тўйчиев каби таниқли спортчиларимиз шарафига мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Дарвоқе, мусобақалар бошланганига бугун бир ҳафта тўлди. Шунга қарамай, ҳали йигирмадан ортиқ давлат вакиллари бирорта ҳам медални қўлга киритганлари йўқ.

17 ноябрь куни таниқли спорт гимнастикачимиз Антон Фокин брусда машқ бажаришда 15,350 балл жамғариб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Юртдошларимиз ўзларининг муваффақиятли юришларини кеча эрта тонгданоқ давом эттирдилар. Қуёш ўзининг заррин нурларини замин узра сочаётган бир пайтда ўзбекистонлик академик эшкак эшиш усталари Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликда иккинчи, Дамир Наурзалиев, Сергей Тян, Ефим Кузнецов, Александр Дидрих тўртликда учинчи ўринни эгаллади. Таэквондочимиз Акмал Эргашев ҳам бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, вакилларимиз стол тенниси, оғир атлетика, қиличбозлик, сузиш, теннис, бокс, шахмат, велоспорт ва боулинг бўйича баҳсларга киришишди.

Ҳозирча ҳамюртларимиз 3 та олтин, 9 та кумуш ва 10 та бронза медаль билан норасмий умумжамоа ҳисобида тўққизинчи ўринда боришмоқда.

Бугун Тошкент вақти билан соат 16-00 да футбол бўйича Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоаси чорак финал ўйинлари доирасида Жанубий Корея термасига қарши майдонга тушади.

***Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.***

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | |
|---|---|---|---|
| УН олий нав | 730,1 | ▲ | +14,1 |
| УН биринчи нав | 525,7 | ▲ | +0,1 |
| УН иккинчи нав | 466,3 | ▼ | -0,7 |
| ПАХТА ЁҒИ | 1715,5 | ▼ | -35,4 |
| СУЛЬФАТ АММОНИЙ | 191,8 | ▲ | +0,07 |



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА



**ХОРАЗМ кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. Ўтмиши бой, келажаги мунаввар, гўзал диёримизнинг гавҳари бўлмиш ушбу гўша дунёга ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган.**

**Истиқлол йилларида бу табаррук ва кўҳна замин янги юксалиш даврига юз очди. Мазкур даврда Хоразм бутунлай янгича қиёфа касб этди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар, турли соҳалардаги янгиланишлар вилоят ҳаётини тубдан ўзгартирди. Муҳим жиҳати, Хоразм воҳасида катта эътибор, ғамхўрлик ва муҳаббат оғушида таълим-тарбия олиб, камолга етаётган ёшлар, юрт фарзандлари бундай ўзгаришларга, ишонч ва эътиборга муносиб бўлишга интилмоқдалар. Воҳа фарзандлари юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар, спорт беллашувларида, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзларининг чуқур билими, истеъдоди ва маҳоратини намоён этиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.**

**“Энг гуллаган ёшлик чоғимда...” саҳифаси орқали бу гал хоразмлик ёшларнинг орзу-ўйлари, интилишлари, ҳаётдаги режалари, эзгу ишлари билан яқиндан танишасиз.**

***Хоразм Маъмун академияси ўтмиш замонларда “Дорул ҳикма ва-л-маориф” номи билан машҳур бўлганлиги барчага маълум. Ушбу илм масканига 1004 йилда Маъмун ибн Маъмун асос солган ва бу ерда жаҳон илм-фани ривожига муносиб улуш қўшган кўплаб алломалар камолга етган.***

***Президентимизнинг 1997 йил 11 ноябрдаги Фармонига мувофиқ, Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилди.***

## ВОРИСЛАР БАХТИ

Бугунги кунда унинг таркибида “Археология, тарих ва фалсафа”, “Тил ва адабиёт”, “Биология муаммолари” деб номланган бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлимларда илмий ходимлар, фан докторлари ва номзодлари, шунингдек, ёш олимлар илмий тадқиқот олиб бормоқдалар.

Қувонарлиси, сўнгги ўн йил мобайнида Академия илмий ходимлари таркиби 56 ёшдан 46 ёшга яшарди. Бу, албатта, юртимизда илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги самарасидир. Илм масканида тадқиқотчилар учун замонавий лабораториялар, компьютер техникаси, интернет тизими каби барча имкониятлар муҳайё қилинган.

Бундан ўн йил муқаддам Хоразм Маъмун академиясида Ўсимликлар физиологияси ва биокимё йўналишлари бўйича аспирантура ташкил қилинган эди. Ҳозирга қадар ушбу илм даргоҳини 13 нафар аспирант тамомлаб, уларнинг 3 нафари фан номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Баркамол авлод йили муносабати билан Маъмун академиясида Ёш олимлар кенгаши тузилди. Унинг таркибига 21 нафар ёш олим жалб этилиб, кенгаш уларнинг илмий фаолиятига яқиндан кўмак бермоқда. Бундан ташқари, кенгашимиз ташаббуси билан “Энг яхши илмий раҳбар”, “Энг яхши илмий мақола”, “Спорт спартакиадаси” сингари тадбирлар ўтказилиб, иқтидорли ёш олимлар рағбатлантириб борилмоқда. Жорий йилда кенгашга аъзо бўлган 3 нафар ёш олим номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Яна беш киши ўз илмий ишини ҳимоя қилиш арафасида турибди.



**Ибрат**

Илм даргоҳида “Кичик академия” ташкил қилинганлиги ёш олимлар сафини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу академия мутахассислари мактаб, лицей, коллежлар ва олий ўқув юртларида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, олимлар билан учрашувлар ташкил этмоқдалар. Бу борада Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиаллари ҳамда вилоятдаги бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Жумладан, академияда ўқувчи ва талабалар учун махсус амалиёт машғулотлари жорий этилган бўлиб, бу ерда 300 нафарга яқин ёшлар битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга муваффақ бўлишди. Аслида, энг асосий мақсад ҳам шу — илм-фан билан шуғулланиш истагидаги иқтидорли йигит-қизларни илмий изланишлар жараёнига кенг жалб этиш эди. Қувонарлиси, бугун бу борада кўзланган мақсадларга эришилмоқда.

**Машариб АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм Маъмун академиясининг Ёш олимлар кенгаши раиси.**

## Рақамлар сўзлайди:

Вилоят ўрта махсус таълими тизими муассасаларидан спорт соҳаси бўйича **6** нафар жаҳон, **11** нафар Осиё чемпиони, **14** нафар халқаро турнирларнинг мутлақ ғолиблари етишиб чиққан.

**Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида “Камалак” болалар ташкилоти ва “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг бўлимлари мавжуд. 523 та умумтаълим мактабида унинг қуйи бўғинлари фаолият кўрсатмоқда.**

Бугунги кунда вилоятнинг **4** та шаҳар ва туманида “Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари” ишлаб турибди. Уларга **5** минг нафардан ортиқ, асосан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари жалб этилган.

**Шаҳар ва қишлоқлардаги 98 та спорт зали — болалар ва ўсмирлар хизматида.**



**“Ниҳол” мукофоти совриндори, урганчлик Дилноза Ортиқова рақс санъатининг ёш истеъдодли вакиласидир. У болалигиданоқ санъатнинг ушбу турига меҳр қўйиб, мухлислар қалбини забт этишни орзу қилар эди. Дилноза устози Гавҳар Матёқубовадан рақс сирларини пухта ўрганди. Мактабни тамомлаб, Хива туризм коллежида таҳсил олган пайтида ҳам машғулотларни канда қилмади. Коллежни тугатгач, Гавҳар опа раҳбарлик қилаётган раққосалар жамоасида ижодий фаолият бошлади, маҳоратини ошира борди.**

## РАҚС ЛАТОФАТИ

Ёш рақкоса ўтган йили “Келажак овози” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Бу йил эса у Мукаррама Турғунбоева номидаги республика ёш раққосалар танловида биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Яна “Ниҳол” мукофоти совриндори. Ижодий фаолиятини меҳрибон ва талабчан Гавҳар Матёқубова бошчилигида давом эттираётган Дилноза давлат миқёсида ўтказилиб келинаётган байрам тадбирларида ўзининг бири-биридан дилрабо, мафтункор рақслари билан қатнашиб келмоқда.

**Истеъдод**

Дилноза ёш бўлишига қарамай, Франция, Малайзия, Испания, Хитой каби давлатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек рақс санъатининг гўзал қирраларини намойиш этди. Шу билан бирга, дунё халқлари рақсларини ҳам юксак даражада ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. У яқинда республикамизнинг истеъдодли ёшларидан ташкил қилинган “Ўзбегим ёшлари” ансамбли сафида Ҳиндистонда бўлиб, бебаҳо маданий меросимизни, юксак санъатимиз, сеҳрли рақсимизни намойиш этиб қайтди.

Ёш рақкоса ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, миллий санъатимиз намуналарини севиб тинглайди, дилтортар наволар сеҳрини чин дилдан ҳис этиб, кўнглида уйғонган гўзал туйғуларини ўзи ижро этган рақсларда жонлантиради, хиром айлаб рақсга тушади.

У “Лазги”га ўйнаганда, қалбларда жўшқинлик уйғонади. Теварак-атроф, томошабин ҳам жонланади. “Тановор”га хиром айлаганда эса, ўзбек қизининг ибога йўғрилган самимий дил изҳорини, афсонавий муҳаббатини ҳис қиласиз. Яна у ижро этган “Уйқудаги гўзал”, “Тарона”, “Оразибон”, “Суханбоз”, “Фарғона рубоийси”, “Алиқамбар”, “Қайроқ рақси” деб номланган кўплаб рақслари борки, мазкур ижод намуналарида истеъдод соҳибасининг санъатга меҳри, етук ижрочилик маҳорати яққол намоён бўлади.

Дилнозанинг катта орзуси — бой маданий меросимиз, санъатимиз, такрорланмас рақс санъати тарихини, унинг сир-синоатини чуқур ўрганиб, янгидан-янги мафтункор рақслар яратишдир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Туйғу**

## Ватан

*Мен гулман, боғим Ватан,*
*Дала-дашт, тоғим — Ватан,*
*Дилда ардоғим Ватан,*
*Кўзим, қароғим Ватан!*

*Ҳаволари муаттар,*
*Доим ғолиб, музаффар,*
*Қайгаки қилсам сафар*
*Соғинч — сўроғим Ватан.*

*Тақдири азал қутлуғ,*
*Бол-қутлуғ, асал-қутлуғ,*
*Умрим бир ғазал қутлуғ,*
*Байтим, тупроғим Ватан.*

*Қадрини баланд тутдим,*
*Жонимни пайванд тутдим,*
*Ўзимни фарзанд тутдим,*
*Суянган тоғим Ватан.*

**Нодира БЕКЖОНОВА.**
Янгиариқ тумани

## ТАДБИРКОРЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, мазкур соҳада ўз иқтидорини синаб кўраётган, маълум бир марраларни қўлга киритаётган тенгқурларимни кўриб, менда ҳам тадбиркорликка иштиёқ туғилди.***

Урганч туманидаги саноат касб-ҳунар коллежини яхши баҳолар билан тамомладим. 19 ёшимда ўз мақсадим йўлидаги дастлабки қадамни қўйдим. Якка тадбиркор сифатида ишни паррандачиликдан бошлашга аҳд қилдим. Бу борада ўз бизнес-режамни ҳам ишлаб чиқиб, “Микрокредитбанк”нинг Хоразм вилояти филиалига мурожаат қилдим. Банк вакиллари менинг лойиҳамни бажонидил қўллаб-қувватлашди. Паррандачиликни

**Дил сўзи**

ривожлантиришим учун 18 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Натижада Урганч туманининг Чаккашоликор қишлоғида “Элита наслли парранда” фермер хўжалигини ташкил этдим. Тенгқурларимдан 10 нафарини ишга қабул қилдим. Илк натижаларимиз чакки эмас. Жорий йилда 18,5 миллион сўмлик парранда гўшти ва тухум етиштирдик. Келгусида парранда сонини 15 мингтага етказишни режалаштириб, қўшимча мажмуа қуришни бошлаб юбордик. Бундан ташқари, асаларичилик билан ҳам шуғулланаяпмиз. Айни кунда 100 қути асаларимиз бор. Келажакда тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтирмоқчиман.

Мен юртимизда ёшларга мана шундай имкониятлар яратиб берилаётганидан фахрланаман. Ушбу ғамхўрликка жавобан, соҳада юксак марраларни эгаллаб, ҳам оилам, ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиш эзгу мақсадимдир.

**Жавлонбек ПОЛВОНОВ,**
**«Элита наслли парранда» фермер хўжалиги раҳбари.**

*Истиқлол йилларида ўғил-қизларимизнинг иқтидорларини кенг намоён этишлари учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёркин мисолидир.*

## Санъатга ошно қалблар

Юртбошимизнинг ушбу қарори асосида вилоятимизда 8 та мусиқа ва санъат мактаби янгитдан қуриладиган, 7 таси капитал реконструкция қилинадиган бўлди. Бу мақсад учун давлатимиз томонидан 14,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши Ўзбекистонимиз келажаги, миллатимиз давомчилари, санъатимиз ғунчалари доимий эътиборда эканлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг истеъдодли ёш санъаткорлар, шу соҳа мураббийларига эътибор, ғамхўрлигини, қўллаб-қувватлашини биз ҳам ўз фаолиятимизда яққол ҳис этмоқдамиз. Яқинда ўқувчиларимиз учун туман марказида янги замонавий санъат мактаби қад ростлади. 200 ўринли ўқув маскани, 220 ўринли катта концерт зали ва 80 ўринли кичик концерт залидан иборат санъат мактабимизни бунёд этиш учун 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Жиҳозларга эса 1 миллиард 300 миллион сўм ажратилди.

**Ифтихор**

Мусиқа ва санъат мактаби нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимиздаги ўзига хос гўзал анъаналарга бой санъат даргоҳи ҳисобланади. Мактабимизда бир вақтлар илк мусиқа сабоқларини олган хоразмлик санъаткорлар бу йўналишдаги билим ва маҳоратларини йиллар давомида сайқаллаб, бугун халқаро ва республикамиз санъат оламидан муносиб ўрин эгаллашган.

Айни кунда мактабимизда 280 нафар ўғил-қиз санъатнинг 17 та тури бўйича сабоқ олмоқда. Жумладан, анъанавий ижрочилик, ўзбек чолғу асбоблари, торли, фортепьяно ва бошқа йўналишларда машғулотлар олиб бормоқдалар. Уларга мусиқа йўналишида кўп йиллик педагогик тажрибага эга, эл-юрт ҳурматига сазовор муаллимлар санъат сирларидан сабоқ бермоқдалар.

Мусиқа мактабимиз жамоаси эришаётган ютуқлар анчагина. Бу ерда мақомчилар, доирачилар, аккордеончилар, эстрада, рақкосалар ансамбллари фаолият олиб бормоқда. Улар республикамизда ва хорижда ўтказилаётган танловлар, фестивалларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Мисол учун, 3 нафар ўқувчимиз Францияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. Бир ўқувчимиз Прагада ўтказилган “Ёш пианиночилар” халқаро фестивалида қатнашди. Жорий йилнинг май ойида “Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги” кўрик-танловининг республика босқичида ўқувчиларимиздан Темур Ибрагимов, Оғабек Оллаберганов, Азамат Бобожонов совриндор бўлди. Бу йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловида Севинч Бекберганова лапар жанри бўйича совриндорлар сафидан жой олди. Жаҳонгир Рустамов “Асрлар садоси — 2010” 3-анъанавий халқаро маданият фестивалида қатнашиб, ЮНЕСКО номидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. У мустақиллик байрами арафасида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан ҳам мукофотланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўқувчиларимиз эришаётган бундай ютуқлар Урганч тумани ҳокимлиги томонидан мунтазам рағбатлантирилиб борилмоқда. Эндиги мақсадимиз вилоятимиз ёшларининг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун уларни янги мактабимизга жалб қилиш ва вилоят миқёсида қамраб олишдир. Зеро, биз тарбиялаётган ёшлар келгусида инсон қалбига мусиқа орқали гўзаллик, покизалик ва яхшиликлар уруғини сочувчи фидойи санъаткорлар, ватанпарварлар бўлиб етишишсин.

**Рустам РАҲИМОВ,**
**Урганч туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори.**

**Ғурур**

## Мўйқалам сеҳри

**Эсимни таниганимдан бери рассом бўлишни ният қилганман. Урганч шаҳридаги 24-санъат мактабида рассомлик сирларини ўрганиб, дастлабки машқларим устида ишладим. Кейинчалик Урганч санъат ва маданият коллежида таҳсил олдим. Ушбу билим даргоҳлари менинг орзуларим ушалишига йўл очиб берди.**

8-синфда ўқиб юрганимда, илк муваффақиятни қўлга киритдим. “Конституция — бахтимиз пойдевори” республика кўрик-танловида ғолиб бўлдим. Устозим Даврон Йўлдошев мавзу танлашда, расм чизишда доим йўл-йўриқ кўрсатадилар. У кишининг кўмаги, маслаҳати билан кўплаб танловларда қатнашдим. Бу йил “Келажак овози — 2010” танловининг республика босқичига йўлланма олдим.

Бу танловлар менга кўп нарсани ўргатди, ижодий фаол бўлишга ундади. Айни пайтда “Кўҳна Хива” мавзуидаги туркум асарларим билан халқаро танловларда қатнашишга ҳаракат қилаяпман. “Тўқай манзараси”, “Қишлоқ”, “Карвон”, “Бозор” каби мавзулардаги ижодий ишларим кўпчиликда қизиқиш уйғотаётганидан қувонаман.

Ҳозир Урганч шаҳридаги вилоят Ёшлар ижодиёт марказида ёш рассомлар тўгарагини бошқараяпман. Ушбу марказда истеъдодли ва иқтидорли ўқувчилар кўп. Тўгарагимиз аъзоси, ёш рассом Малика Озодова ана шундай ўқувчилардан бири ҳисобланади. Малика шу йил Туркманистонда ўтказилган халқаро кўрик-танловда ўз асарлари билан қатнашиб, олтин медални қўлга киритди.



Тўгарагимизда Малика сингари соҳа ихлосмандлари, ёш рассомлар кўпчилик. Улар билан ҳар бир ижодкор ўз услубига эга бўлиши, асарларимизда миллий анъаналар акс этиши, умуман, мўйқалам сеҳри ҳақида суҳбат ўтказамиз. Уларнинг гап-сўзларидан ўзим хис қилган туйғуни — ўзига, эртанги кунга бўлган ишончни яққол илғайман.

Биз, ёшларнинг иқтидоримиз, истеъдодимиз, албатта, юзага чиқади. Бунинг учун диёримизда барча шарт-шароит яратилган, имкониятлар етарли. Биз бундай ғамхўрликдан жуда миннатдормиз.

**Азамат МАДАМИНОВ.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 170,7 ▲ +6,6 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 162,3 ▲ +1,5 | АРМАТУРА 2202,8 ▲ +882,8 | ШИФЕР (1 лист) 13676 ▼ -142,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. | |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5